Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 9-yanvar, payshanba № 4 (3353)

14 январ – Ватан ҳимоячилари куни

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Самарқанддаги ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ҳарбийлар шарафланди

Маълумки, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар боис Миллий армиямиз куч-қудрати ошиб, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги кафолатланмоқда. Халқимизнинг жасур ва мард фарзандлари бу вазифани сидқидилдан адо этиб келишаётир.

Самарқанднинг муҳташам Регистон майдонида ташкил этилган «Аскар оналарига эҳтиром» мавзуидаги тантаналарда кенг жамоатчилик вакиллари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, фаол ёшлар иштирок этишди. Тадбирда қўшни вилоятларда ўз йигитлик бурчини ўтаётган самарқандлик ёшларнинг оналари билан учрашувлар уюштирилди. Аскар оналарининг кўкси ғурурга тўлиб, кўзларидан ўт чақнаб турган ўктам ўғлонлари билан фахрланишди.

Тойлоқ туманидаги Н-ҳарбий қисмда ҳам шундай маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Бугун аскарлик баркамоллик белгисига айланди. Шу боис Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун шараф ҳисобланади, — деди тадбирда сўзга чиққан «Ishonch» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Нурилла Шамсиев аскар йигитларни Ватан ҳимоячилари куни билан қутлар экан. — Соғлом, жисмоний машқларда чиниққан, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камолга етган ўғлонларгагина ҳарбий кийим кийиш насиб этади. Ана шундай жасур ўғлонларнинг бугун ўз Ватанига, ўз халқига, ўз Президентига хизмат қилаётганини кўриб қувонасан киши.

Шунингдек, тадбирда сўз олган «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ҳабиб Темиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Раҳимов ва бошқалар Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган жасур ўғлонларни байрам билан самимий муборакбод этдилар.

Самарқанд шаҳридаги сержантлар тайёрлаш билим юртида бўлиб ўтган тантаналар асноси ҳарбий қисмларга касаба уюшмалари томонидан ажратилган иккита замонавий компютерни ЎзКУФК масъул ходими Сардор Яқубов, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров топширишди.

— Ўзбек хонадонида камолга етган ҳар бир ўғил келажакда Ватан қудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий бўлишни орзу қилади, — дейди оддий аскар Муҳриддин Шамсиддинов. — Мен Қашқадарёда ўсиб-улғайдим. Ватан посбонлари сафида юрт корига яраётганимдан беҳад шодман.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўз йигитлик бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ўнга яқин ҳарбий хизматчилар хонадонларига ижтимоий кўмак кўрсатди.

Тойлоқ туманидаги Мирзаполвон қишлоғида вояга етган Акмал Мирзаҳмедов ҳам бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлганди. Иккинчи фарзанди Ёдгорбек отаси вафотидан беш ой ўтгач туғилди.

— Фарзандларимни бекаму кўст ўстириб, отаси сингари ҳарбий қилишни дилимга тукканман, — дейди Ҳалима Боботоева. —Ҳукуматимизга раҳмат. Оиламизни ҳеч нарсага зориқтириб қўйгани йўқ.

Вилоятнинг турли қишлоқларида яшовчи бундай оилаларга байрам арафасида касаба уюшмалари томонидан кўмак берилди.

Акбар АБДУСАИДОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Қашқадарё вилоятида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Ойлик доирасида жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳаллаларда ўтказилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари аҳолининг ҳаракат хавфсизлиги бўйича хабардорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Йўл қоидаси — умр фойдаси

Кўчалар, халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларга аҳоли ва ҳайдовчиларни огоҳликка чорловчи қўшимча баннерлар ўрнатилиб, буклетлар тарқатилмоқда. Йўл ҳаракати белгилари янгисига алмаштирилаётир.

Бу муҳим тадбирда таълим муассасалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Қарши шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби Амир Темур кўчасида жойлашган. Ўқувчиларнинг серқатнов йўлдан мактабга хавфсиз қатнаши учун пиёдалар йўлакчаси ёнида доимий навбатчилик ташкил этилган. 725 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган таълим муассасасида ойлик доирасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда тадбирлар, давра суҳбатлари, очиқ дарслар ташкил этилмоқда.

— Ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилбар Раҳимова. — Ҳаракат хавфсизлиги белгилари ўрнатилган махсус майдонча, махсус кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган синфхона улар ихтиёрида. Амалий машғулотлар бевосита соҳа ходимлари иштирокида ташкил этилаётир.

Соҳа ходимларининг таъкидлашича, ойлик давомида ўтказилган махсус рейдларда 7 минг 978 йўловчи ташиш транспорт воситаси текширилган. Натижада, 55 транспорт воситасига йўловчи ташиш билан ноқонуний шуғулланганги, 2041 тасига одам ташиш қоидасини бузгани учун маъмурий чоралар кўрилган. Шунингдек, пиёдалар томонидан ҳам айрим қоидабузарликлар содир этилган. Мазкур ҳолат ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда атрофлича муҳокама қилинаётир.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

Суратда: *Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг жамоатчилик билан алоқа боғлаш гуруҳи инспектори, сержант Шаҳриддин Қўшоқов Қарши шаҳридаги 7-умумий таълим мактаби ўқувчилари билан.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Йиғилиш

Такомиллашув – давр талаби

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари IX йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни кенгаш раиси Н.Пардаев олиб борди.

Унда ЎзКУФК Раёсатининг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида турли бўғин касаба уюшмалари органларининг функциялари янада аниқ белгилаб қўйилгани, юқори ташкилотлар бошқарув аппаратларини мақбуллаштиришга асосий эътибор қаратилгани таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан яна бир қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳамкорлик уфқлари

Обод турмуш йили Ватанимиз тараққиёти, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимиз турмуш даражасининг юксалишида муҳим ўрин тутди. Мамлакатда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари муҳофазасини, жамият фаровонлиги ва тараққиёти изчил ўсишини таъминлаш йўналишида олиб борилган хайрли ишларга касаба уюшмалари ҳам муносиб улуш қўшди. Айниқса, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик алоқалари бугун ўз самарасини бераётир.

Касаба уюшмалари – фахрийларга

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг ҳамкорлик фаолиятини янада чуқурлаштириш бўйича 2013 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси асосида ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари ва «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгашлари ўртасида ҳамкорлик тадбирлари режаси қабул қилиниб, ушбу вазифаларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 27 мингдан зиёд меҳнат жамоаларида ўтказилган «Маънавият соатлари»да Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» мавзуидаги маърузаси мазмун-моҳияти ўрганилди. Уларда 3 млн.га яқин ишчи-ходимлар қатнашди. Шунингдек, 4700 дан зиёд давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилинди.

Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида «Турмуш обод — кексалик обод», «Фарзандлар келажаги учун масъулмиз», «Куч-ғайратимиз — Ватан равнақига», «Нуронийлар маслаҳати — ёш оилалар камолоти» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этди.

Наврўз байрами муносабати билан республикадаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 23156 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз, ногирон, уруш ва меҳнат фахрийларига 820,3 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий ёрдамлар уюштирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

2014 йил — Соғлом бола йили

Мақсад — комил инсонни вояга етказиш

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилга «Соғлом бола йили» деб ном берилишида катта рамзий маъно бор. Негаки, биз болажон халқмиз. Қандай эзгу мақсадни режалаштирмайлик, энг аввало, фарзандларимиз манфаатини кўзлаймиз.

Мен фаолият кўрсатаётган 1-сонли «Меҳрибонлик» уйида юз нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор, меҳр, парвариш ва тарбия керак. Жамоамиз аъзолари ушбу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, муассасамизда соғлом оилавий муҳит яратишга бор кучини сафарбар қилмоқда.

Тарбиямиздаги болаларнинг саккиз нафари мактабгача ёшда. Бошланғич синфлардаги тарбияланувчилар муассасамизда, юқори синфларда ўқийдиганлар эса шаҳримиздаги 41-, 65-, 71-умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олишаётир.

Қизиқиши, қобилияти ва интилишига қараб уларни турли тўгаракларга жалб этганмиз. Рассомчилик, тикиш-бичиш, юмшоқ материаллардан қўғирчоқлар тайёрлаш, компютер саводхонлиги, ёш ихтирочилар, ёш китобхонлар, пазандачилик, миллий чолғу асбоблари, сартарошлик, бисер тўқиш, устачилик, гулчилик, рақс, қўғирчоқ театри каби тўгараклар мунтазам фаолият юритади.

Тарбияланувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга йўналтириш учун коллеж ва академик лицейларга олиб борамиз. Шунингдек, турли соҳада ишлаётган фидойи инсонлар билан қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Бу ёшларимизнинг келажакда тўғри касб танлаши, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаши ҳамда мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси ошишида ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фарзандларимиз камолотида жисмоний тарбиянинг ўрни муҳим. «Меҳрибонлик» уйимизда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун шароит муҳайё этилган. Замонавий сузиш ҳавзаси, спорт зали ва майдончалар болалар ихтиёрида. Футбол, баскетбол, волейбол, теннис, шахмат-шашка, қўл тўпи, синхрон сузиш, сузиш, кикбоксинг, кураш, бадиий гимнастика бўйича мутахассислар самарали иш олиб боришяпти.

Тарбияланувчиларимиз турли кўрик-танлов ва мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар. 2011 йил декабр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Сув париси» Халқаро турнирида Бийбигул Каранаева билан Тамара Мирсайзанова Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

2012 йили «Биз, болалар — оила ва Ватан келажагимиз» шиори остида пойтахтимизда ўтказилган иншолар танловида иштирок этиб, диплом билан тақдирландик. Азизбек Пирниязов чизган расмлар эса 2013 йили «Камалак жилоси» республика кўрик-танлови сертификатига муносиб топилди ва унинг «Наврўз» номли асари Японияга жўнатилиб, дунё болалари ишлаган суратлар қаторида журналда чоп этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ижтимоий ҳимоя

Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасида 61 нафар ходим хизмат қилади. Иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси ўртасида ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида меҳнаткашлар манфаати ҳар томонлама ҳимояланмоқда.

Жамоа шартномаси – асос

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, қутқарувчиларнинг овқатланиши, дам олиши, ювиниши, маданий ҳордиқ чиқариши ва бошқа маиший шароитлари яхшиланди. Жисмоний тайёргарлик машғулотлари учун керакли жиҳозлар сотиб олинди.

— Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборимизда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 21 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкил топганининг 17 йиллиги муносабати билан ўз хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашиб келаётган ходимларни фахрий ёрлиқ билан тақдирлаб, уларнинг ота-оналарига миннатдорчилик хатлари йўлладик. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бошқармада хизмат қилаётган 8 нафар аёл моддий рағбатлантирилди, — дейди бошқарма раҳбари Ўктам Сайдаев. — Яна кўп болали хизматчи И.Самиевга касаба уюшма қўмитаси, кам таъминланган 2 та оилага эса бошқарма томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида Тошкент вилоятидаги корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда ташкил этилаётган тадбирлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш, йўл ҳаракати қоидалари тарғиботига алоҳида эътибор берилаётир.

САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан маълум қилишларича, вилоятда ойлик бошлангандан буён беш юздан зиёд рейд ташкил этилган. Ушбу тадбирлар давомида бир минг уч юз нафардан зиёд лицензия олмасдан туриб йўловчи ташиган ва бу борада ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузган ҳайдовчи қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Турли қоидабузарлик содир этган қарийб олти минг нафар фуқарога нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, икки минг икки юздан ортиқ йўловчи ташиш транспорт воситаси текширувдан ўтказилди. Зарур жойларга янги йўл белгилари ўрнатилиб, бир қанча йўл белгиси алмаштирилди. Қарийб 28 километр йўл ва пиёдалар йўлаклари таъмирланди. Йўллар ҳолатини янада яхшилаш бўйича маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар, йўл хўжалиги ташкилотларига таклифлар жўнатилди.

БУХОРО

Вилоят марказида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.

АСКАРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бухоро вилояти ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, чегара ҳудудларидаги маҳаллаларда яшайдиган ёшлар иштирок этди.

Иштирокчилар Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида аскарлар билан мулоқотда бўлди. Қисм ҳарбий техник базаси, ўқув-тактик амалий машғулотлар ёшларнинг Қуролли Кучларимизнинг юксак салоҳияти ҳақидаги тасаввурини янада бойитди.

— Бугунги тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Тўймурод Одилов. — Аскарлар ҳаёти, бу ерда яратилган шароит, айниқса, қатъий тартиб-интизом, ҳарбийлар машғулотига ҳавасим келди. Коллеждаги ўқиш жараёнида фанларни чуқур ўрганишга, спорт билан мунтазам шуғулланишга астойдил ҳаракат қилаяпман. Менинг отам ҳам ҳарбий. Келажакда унга муносиб издош бўламан.

СИРДАРЁ

Боёвут тумани мудофаа ишлари бўлимининг бинои капитал реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. Таъмирлаш ва қурилиш ишларига 836 миллион сўм маблағ сарфланди.

ЧАҚИРУВ ПУНКТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Чақирув пунктининг ўн бешдан ортиқ тиббий кўрик ва машғулотлар хонаси, Маънавият ва маърифат хонаси чақирилувчилар ихтиёрида. Бу ерда Ватанимиз тарихи, истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марралар ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар, бўлажак ҳарбий хизматчилар ва аскарларга қўйиладиган талаблар, уларга яратилаётган кенг шароит ва имтиёзларга оид кўргазмали материаллар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

ЎзА

Ishonch
2014-yil 9-yanvar № 4 (3353)

Хусусий даволаш маскани

Андижон туманидаги Хакан қишлоғида «Хакан-шифо» хусусий даволаш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Терапия, неврология, кардиология, физиотерапия каби бўлимлардан иборат шифохонадаги замонавий анжомлар, УЗИ, ЭКГ аппаратлари турли хасталикларни олдиндан аниқлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларини илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли жойларда тиббий хизмат савияси юксалиб, аҳолига қатор қулайликлар яратилмоқда. Мазкур жараёнда, хусусий тиббиёт муассасаларининг иштироки, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. «Хакан-шифо» масъулияти чекланган жамияти томонидан икки қаватли, кўркам ва замонавий бинода ташкил этилган хусусий шифо маскани ҳам ана шундай чора-тадбирлар самарасидир.

— Муассасада хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилган, — дейди даволаш маскани бош шифокори Одилжон Обидов. — Бу қишлоқ аҳолисига шу ернинг ўзида малакали тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтиради.

Эллик беш ўринга мўлжалланган марказ замонавий тиббиёт ускуналари ва малакали шифокорлар билан таъминланган. Бундай қулайликдан аҳоли мамнун.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: «Хакан-шифо» хусусий даволаш маскани; лаборант Соҳиба Мамажонова.

Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хотира ва қадрлаш куни арафасида деярли барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи ишчи-ходимлар, талаба-ёшлар ўртасида Ватанимиз озодлиги ва шон-шуҳрати йўлида жонларини фидо қилган юртдошларимизни эслаб, «Хотира абадийдир», «Аждодларни ёд этиб», «Хотира чироғи ўчмайди» мавзуларида байрам тадбирлари, маърифий-бадиий кеча ва учрашувлар ўтказилди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ички-ликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан асраш, диний экстремистик ва ақидапарастлик оқими ҳамда жамиятимиз учун ёт бўлган «оммавий маданият» таъсиридан муҳофазалаш мақсадида меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида тадбирлар ташкил этилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат лиги ҳақидаги мурожаатлар кўриб чиқилиб, улар бўйича 859 млн. сўм ундириб берилди.

Конституция байрами арафасида Федерация Кенгаши томонидан «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши тақдим этган рўйхат асосида 22 нафар нуронийнинг Самарқанд шаҳрига «Афросиёб» тезюрар поездида саёҳати ташкил қилинди. Саёҳат доирасида Самарқанд чет тиллар институти талаба-ёшларининг атоқли олим, академик А.Қаюмов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби А.Иброҳимов ва филология фанлари номзоди, доцент Ш.Қаюмов билан учрашуви ташкил этилди.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар дастури асосида 81532 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 10835,6 млн. сўмлик (касаба уюшма маблағидан 2164,3 млн. сўм, иш берувчи маблағидан 8 671,3 млн. сўм) ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари — фахрийларга

фронти фахрийлари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар), хизмат даврида ҳалок бўлганлар оилалари ҳамда «Саховат» уйларига касаба уюшмалари томонидан 1170,6 млн. сўмлик моддий ва ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Яъни 4928 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти иштирокчиларининг ҳар бирига 200 минг сўмдан, жами 986,8 млн. сўм миқдорида манзилли ёрдам уюштирилди. 1721 нафар меҳнат фахрийси, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар)га байрам совғалари берилди. 919 нафари тарихий шаҳарлар, буюк алломалар қадамжолари, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдирилди, 20 нафар уруш иштирокчиси касаба уюшмалари тизимидаги «Косонсой» ва «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийларида бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари, «Саховат», «Мурувват» уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган қарияларни, ногирон ҳамда ёлғизларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5,53 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Мустақиллик байрами арафасида Касаба уюшмалари Ёшлар кенгашлари томонидан «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ёшлар эътиборида» акцияси ўтказилди. Акция доирасида ёшлар гуруҳларининг «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларига ташрифи уюштирилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қариялар ҳолидан хабар олинди. Шунингдек, интернат уйларига эсдалик совғалари топширилди. Бу мақсадлар учун касаба уюшмаларидан 24 млн. сўм йўналтирилди.

Касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари юридик хизмати ходимлари томонидан «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда фахрийлар ҳамда ногиронлар учун белгиланган имтиёзлар, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг тўла ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан 18 та ҳудудий семинар, давра суҳбати уюштирилди. Бундан ташқари, жорий йилда касаба уюшмалари юридик хизмати ходимлари томонидан 458 та ногиронлик нафақаси ва касб касаллигига оид зарар тўловлари тўланмаётган-

Шунингдек, Мустақиллик ва Янги йил байрамларида ҳар иккала ташкилотнинг жойлардаги бўлинмалари ҳамкорлигида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совғалар топширилди.

Нуронийлар — фахримиз, суянчиғимиздир. Уларнинг доно маслаҳатлари, катта ҳаётий тажрибалари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиши билан бирга, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш борасидаги хайрли ишларимизда камарбастадир.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг 2014 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлари режасида ҳам бу борадаги эзгу ишларга янада кенг ўрин берилди. Жумладан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси ташкил этилиб, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фронти фахрийларидан 4 минг нафарига касаба уюшмалари томонидан манзилли моддий ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасида фахрийларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилиб, «Саховат» уйларида, Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган нуронийлар йўқланади ва улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Шунингдек, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш мақсадида икки авлоднинг учрашувлари, нуронийларнинг республикамизнинг қадимий шаҳарларига, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга саёҳатлари уюштирилади. Бундан ташқари, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида улардан 50 минг нафарига моддий кўмак берилади.

Хуллас, эзгу ишлар, хайр-саховат тадбирлари нуронийларнинг доно йўл-йўриқлари ила янада зийнатланиб, дуолари ила файзиёб бўлиб бораверади.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маданий-маърифий ишлар бўлими бош мутахассиси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Обод турмуш йилида эсда қолгулик воқеалар кўп бўлди. Жумладан, Туркманистонда ўтказилган Халқаро болалар фестивалида «Тонг юлдузлари» жамоамиз совриндор бўлди.

Ҳар ойнинг бешинчи санаси бизда Саломатлик куни сифатида белгиланган. Шу куни тиббиёт ходимлари билан учрашувлар ўтказилади. Ойнинг ўн иккинчи санасида «Меҳрибонлик уйи куни» нишонланади. Муассасамизнинг 92 йиллик тарихи, бу ерда тарбияланиб кетган машҳур инсонлар — ёзувчи ва шоирлар, бастакор ва фан арбоблари билан мулоқотлар ташкил этилади. Болаларимизнинг туғилган кунларини тантанали равишда ўтказамиз.

Кутубхонамиз ҳамиша гавжум. У ерда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Жумладан, Алишер Навоий, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ боболаримиз тавалуд кунлари муносабати билан адабий кечалар уюштирилади.

Мақсад — комил инсонни вояга етказиш

«Меҳрибонлик» уйимизда тарбияланган ҳар бир боланинг кейинги ҳаёти, ўқиши ва яшаш шароитлари ҳамиша эътиборимизда. Ҳозирги пайтда уларни уй-жой билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан жуда хурсандмиз. Ўтган беш йилда мустақил ҳаётга қадам қўйган 44 нафар ўғил-қизимиз давлат томонидан уй-жой билан таъминланди.

Тарбияланувчиларимиз ҳаётида оила муҳитини яратиш, яъни уларни барча шароитларга эга хонадонларга фарзандликка бериш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Беш йилда тўққиз нафар тарбияланувчимизни бефарзанд оилалар фарзандликка олди. Ўн нафар тарбияланувчимиз ўз қариндошлари бағрига қайтарилди. Меҳрибонлик уйимиз директори Светлана Сон билан улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамиз.

Кейинги уч йил ичида 18 нафар тарбияланувчимиз оила қурди. Ҳозирда «Меҳрибонлик» уйимизнинг ўн нафар невараси соғлом вояга етмоқда.

Ёзги таътилда болаларимиз оромгоҳларда мароқли дам олиб, саломатлигини тиклашади. Ўтган йили улар Тошкент вилоятининг «Нурафшон», «Гулбаҳор», Самарқанд вилоятининг «Золотинка», Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» ва Тахиатош шаҳридаги «Ойдин йўл» оромгоҳларида мазмунли ҳордиқ чиқаришди.

Юртимизда бағрикенг, мурувватли инсонлар жуда кўп. Улар байрамларда болаларга баҳоли қудрат совға-салом топширишади. Янги йил муносабати билан «Меҳрибонлик» уйимизга кўплаб корхона ва ташкилот вакиллари ва талабалар келиб, болаларни байрам билан қутлаб, совғалар улашишди.

Ҳамкасбларимни «кўнгил уйини обод этгувчилар» дегим келади. Сабаби, улар меҳр-мурувватга ташна қалб эгаларини парваришлашга бор билим ва касбий маҳорати, қўйингки, ҳаётини бахшида этишаяпти.

Набира ЕМБЕРГЕНОВА,
Хўжайли шаҳридаги 1-сонли «Меҳрибонлик» уйининг бош тарбиячиси

Нодавлат секторда

Кейинги пайтда кўпгина меҳнат жамоалари ўз ташаббуси билан касаба уюшмасига аъзо бўлаётир. Бу одамларнинг жамоат ташкилоти фаолияти ҳақида тасаввури кенгаяётганидан далолат беради.

Кўпнинг ишончи

— 2012 йил бошида касаба уюшмаларига аъзо ташкилотлар 57 тани ташкил этган бўлса, якунланган йилда 81 тага етди, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ҳамза Эшонқулов. — Тизимдаги ташкилот ва корхоналарда касаба уюшмалари афзалликлари хусусида тарғибот олиб бораяпмиз. Сўнгги уч ойни сарҳисоб қиладиган бўлсак, аъзолар 287 нафарга кўпайди. «Шамс Навоий» хусусий корхонаси, «Бахт текстил» қўшма корхонаси сингари қатор меҳнат жамоалари ҳам яқин ўртада сафимиз аъзоларига айланишади. «Оливе телеком», «Кармана ҳосил Осиё» МЧЖ жамоалари эса ўз ташаббуси билан касаба уюшмасига аъзо бўлиш истагини билдиришди.

М. АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси — асос



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Ўтган йили «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда бошқарма ходимларидан 5 нафари вилоят диагностика марказида чуқурлаштирилган, 67 нафари эса навбатдан ташқари профилактик тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ходимлар маънавиятини ошириш, маданий тадбирлар ташкил этиш ҳам кўнгилдагидек. Шу мақсадда Гулистон шаҳридаги «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи» музейига бошқарма ҳарбий хизматчилари саёҳати уюштирилди.

Бошқарма шахсий таркиби билан якка тартибда тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Барча бўлим бошлиқлари қўл остидаги ходимлар билан якка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришяпти.

Гулистон шаҳридаги 5-ҳарбийлаштирилган мактабда шаҳарнинг 5-, 6-,11-, 16-умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва Гулистон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиларига бошқарма қутқарув отряди асбоб-анжомлари намойиш қилиниб, давра суҳбати ўтказилди.

Шунингдек, ҳашар муносабати билан бошқарма ходимларидан бир гуруҳи Гулистон шаҳрида жойлашган «Меҳрибонлик» уйида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширди.

Бошқарма бошланғич касаба уюшма қўмитаси вилоятда ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловида 2-ўрин эгаллаган бўлса, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичида иштирок этди.

— Танловдан бир олам таассуротлар билан бирга тажриба ўрганиб қайтдик, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Бойбеков. — Раҳбаримизда ҳам ушбу танловга кучли қизиқиш уйғонди. Кейинги танловга ҳозирданоқ тайёргарликни бошлаб юбордик.

Бошқарма бошлиғи ташаббуси билан касаба уюшма хонаси жиҳозланиб, девор стендлари янгиланди. Ўйлаймизки, бошланғич ташкилотнинг танловлардаги навбатдаги иштироки янада самарали бўлади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Барчамиз байрамларни яхши кўрамиз. Шодиёна қувончлари қалбимизни эзгуликка чулғайди. Айём кўнглимиздаги инсоний туйғуларни алангалатгани билан ҳам қадрли.

Саховат билан бошланди

Соғлом бола йили ташкилотимиз учун хайрли амаллар билан бошланди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида бир қатор оилалар, 6 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийси ва 2 нафар 100 ёшдан ошган нуроний йўқланди.

Жумладан, Наманган туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари П.Исомов, А.Мусаев, Наманган шаҳридан Н.Ҳожиев, Учқўрғон шаҳридан О.Юсупов, шунингдек, Наманган шаҳридан 100 ёшдан ошган М.Отабоев, Учқўрғон туманидан Т.Камоловнинг уйларига ташриф буюрилиб, байрам билан қутланди. Уларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва «Нуроний» жамғармаси томонидан байрам совғалари топширилди.

Дилфуза СУЛТОНОВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Етакчи минбари

Кейинги йилларда жамоамиз қатор ютуқларни қўлга киритаётир. 2008 йил якунлари бўйича «Аэропорт» ассоциацияси таркибидаги МДҲ мамлакатлари ўртасида ўтган танловда «Бухоро» халқаро аэропорти «Йилнинг энг яхши аэропорти» номинацияси ғолиби бўлди. Бир йил ўтгач, «Ривожланаётган истиқболли аэропорт» номинациясида энг юқори натижага эришиб, ассоциациянинг Фахрий ёрлиғи ҳамда кубогини қўлга киритдик. Сўнгги уч йилда жамоамиз йўловчи ташишдаги юқори натижалари учун ушбу танловда «МДҲ давлатлари бўйича йилнинг энг яхши аэропорти» номинациясида тенгсиз эканлиги эътироф этилди.

Халқаро эътироф куч бағишлади

Айни пайтда «Бухоро» халқаро аэропортидан ҳар куни Тошкент, шунингдек, жадвал асосида Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига авиарейслар йўлга қўйилган. Боз устига, МДҲ мамлакатлари ва узоқ хорижга ҳам авиаташувлар амалга оширилади.

2011 йилнинг ноябридан соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган халқаро фуқаро терминали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу терминалдаги йўловчи ва юк ташиш соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнлари халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб беради.

Жамоада 482 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Асосий эътиборимизни ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирлар, жамоа шартномасининг бажарилиши, ёшлар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш масалаларига қаратаяпмиз.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ўта муҳим вазифа саналади. Бу борада комиссия раиси, ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Миржон Болтаевнинг жонкуярлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Айтиш керакки, корхонамизда ҳар бир ишчи-ходим йилда бир марта 40 соатлик ўқув машғулотларида қатнашиб, қайта синовдан ўтказилади. Ходимлар махсус кийим-бош, якка тартибдаги шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади. Ишчи-мутахассисларнинг касбига қараб уларга сут маҳсулотлари ва қўшимча таътиллар берилади. Касаба уюшма фаоллари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳар жиҳатдан рағбатлантириб борилади.

Ходимлар ўртасида спортни оммалаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Корхонадаги жамоалар ўртасида футбол, волейбол, теннис, баскетбол, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилади. Бу борада қўриқлаш, ёнғиндан ҳимоя қилиш, ёнилғимойлаш материаллари, электротехника хизматлари ходимлари алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Жорий йилнинг июл ойида аэропортимизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамда Ўзбекистон авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши кубоги учун мини футбол бўйича саралаш турнири ўтказилди. Мазкур беллашувда жамоамиз спортчилари биринчи, Тошкент шаҳрида ўтказилган финал учрашувларида эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Амалдаги йилнинг ўтган уч чораги давомида 13 нафар касаба уюшма аъзоси «Турон», «Ботаника», «Зомин», «Мироқи» каби санаторийларда саломатликларини тиклаб, ҳордиқ чиқардилар. Ходимларнинг фарзандларини оромгоҳларда имтиёзли дам олдириш, қўғирчоқ театрлари, истироҳат боғларига сайрлар ташкил этишда касаба уюшма ташкилотимиз бош-қош бўлмоқда.

Хуллас, маъмурият билан ҳамжиҳатликда жамоа аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишларимиз янгидан-янги муваффақиятларга замин яратмоқда.

Учкун НУРОВ,
«Бухоро» халқаро аэропорти касаба уюшма қўмитаси раиси

Савол: Оилалиман. Паспорт бўйича доимий яшаш жойимиз (прописка) бошқа вилоятда. Яқинда фарзандли бўлдик. Ўғлимизга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани қаердан олишимиз мумкин?

А.ОРЗИҚУЛОВА,
Фарғона тумани

Жавоб: «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»нинг 14-бандига мувофиқ боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФҲДЁ органида амалга оширилиши лозим.

Савол: Қонуний никоҳда турмасдан шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб фарзанд кўрдим. Лекин турмуш ўртоғим ҳозирда сафарда. Фарзандимга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишим мумкинми?

Б.БОЗОРОВА,
Шаҳрихон шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида иш юритиш тартиби ҳақида»ги Йўриқномани нинг 44-бандида «Туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд эттиришда ФҲДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва ёзма аризаси тақдим этилади» деб белгилаб қўйилган.

Саволларга Бўз тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Дилдора КАРИМОВА жавоб берди.

Мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2014 йилнинг 1 январидан эътиборан фуқаролик-ҳуқуқий тарздаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ёшга доир пенсиянинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши белгилаб қўйилди.

Пенсионерларга имтиёзлар

Айтайлик, янги тартибга кўра, ёшга доир пенсия олувчи, ишламайдиган фуқаро юридик шахс билан бир марталик иш (хизмат)ларни бажариш учун 2 январдан 1 февралгача бўлган муддатга шартнома тузди. Шартнома бўйича фуқаро бажарган иши учун 150 000 сўм ҳақ олиши керак. 2013 йилнинг 15 декабридан Президентимиз Фармонига биноан мамлакатда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 187970 сўмни ташкил қилади. Бу ҳолатда олинган даромад ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан ошмаганлиги сабабли пенсия тўлиқ тўланиши шарт.

Шунингдек, пенсионер фуқаролик-ҳуқуқий тарзида тузилган шартномага асосан иш (хизмат)ни 3 ой давомида амалга ошириши керак бўлса, (2 январдан - 2 апрелгача) шунингдек, умумий ҳисобда оладиган даромади 450 000 сўмни ташкил қилса, шартноманинг амал қилиш муддати давомида у ҳам нафақани тўлиқ олиши мумкин. Чунки бунда унинг ўртача ойлик даромади 150 000 сўмдан ортмайди.

Олинаётган даромад ёшга доир пенсиянинг минимал миқдоридан ошиб кетган ҳолларда эса шартнома асосида ишланган даврнинг ҳар ойи учун пенсиянинг 50 фоизи ушлаб қолинади.

Пенсионер билан фуқаролик-ҳуқуқий тарзида шартнома тузилган вақтдан бошлаб 5 кун ичида ташкилот раҳбари мазкур ҳолат тўғрисида фуқаронинг яшаш жойидаги пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими ёки унга пенсия тайинлаган ташкилот (ИИВ, МВ ва ҳоказо)га хабар бериши ва шартноманинг нусхасини етказиши шарт.

Эслатиб ўтамиз, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий хизмат ўтаган ёки фронт ортида ишлаган фуқаролар, 1-ва 2-гуруҳ ногиронлари, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган фуқаролар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётган аёл пенсионерлар пенсияларини тўлиқ олиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ҲИНДИСТОН

Мумбайдан мамлакат шимолидаги Дехрадун шаҳрига йўл олган йўловчи поездида 8 январ куни эрталаб ёнғин чиқиши натижасида 9 киши ҳалок бўлди.

ТЕМИР ЙЎЛ ҲАЛОКАТИ

Поезд ичи тутунга тўлиб, олов тезлик билан учта вагонни қамраб олган. Бахтсиз ҳодиса йўловчилар уйқудалиги пайтида юз берганлиги жабр кўрганлар сонининг кўп бўлишига олиб келди. Ёнғин сабаблари ҳали аниқланмаган.

Илгарироқ, яъни 28 декабрда ҳам Ҳиндистонда йўловчи поезд ёниб кетган эди. Ўшанда бахтсиз ҳодиса туфайли 26 киши ҳаётдан кўз юмган.

АҚШ

Мамлакатнинг марказий ва шимолий қисмини қамраб олган изғирин ва қор бўронлари туфайли табиий газнинг биржа баҳоси кескин ошиб, рекорд даражага етди.

ГАЗ НАРХИ КЎТАРИЛДИ

Мисол учун, Нью-Йорк шаҳрини ушбу ёнилғи билан таъминловчи Нью-Жерсида минг кубометр газнинг баҳоси 3,24 минг долларга етган. Ваҳоланки, 3 январ, жума куни минг кубометр газнинг биржа баҳоси 504 доллар эди. Шунингдек, Жанубий Каролинадан Нью-Жерсигача бўлган штатларни ушбу ёнилғи билан таъминловчи иккита марказда газ баҳоси бундан-да баландроқ эканлиги маълум қилинмоқда. Мутахассиларнинг айтишича, нархнинг бу даражада кўтарилиб кетиши охирги ўн йил ичида кузатилмаган. Шу кунларда АҚШдаги газга бўлган суткалик эҳтиёж тарихдаги энг юқори кўрсаткичга етиб, 3,56 миллиард кубометрни ташкил қилаётир.

Шу ўринда кўплаб штатларда ҳарорат меъёрдан целсий бўйича 11-20 градусга тушиб кетгани, баъзи шаҳарларда -40 С° гача етганини айтиб ўтиш лозим. Мисол учун, Нью-Йоркда сешанба куни -14 даража совуқ бўлган. Ваҳоланки, душанбада бу ерда +13С° ҳарорат ҳукмрон эди.

Қор бўронлари ва йўлларнинг музлаши транспорт қатновига ҳам жиддий зарар етказмоқда. Мамлакат бўйича 5 мингдан ортиқ ички рейслар бекор қилинган. Бундан ташқари, йирик темирйўл тармоғи «Amtrak» Чикагога борадиган поездлар ҳаракатини бутунлай тўхтатиб қўйди. Шунингдек, Нью-Йоркдан Бостонга борадиган поездлар сони ҳам кескин қисқарган.

Қўнғирот минтақавий темир йўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитасига узелнинг Қўнғирот йўл масофаси ишчиси Ж. Нурмуханов мурожаат қилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг маҳаллий бўлими томонидан унга имтиёзли пенсия тайинлаш асоссиз равишда рад этилаётганини билдирди.

Ҳуқуқи тикланди

Ҳудудий қўмита ҳуқуқшунослари мурожаатни зудлик билан ўрганишга киришишди. Маълум бўлишича, пенсия жамғармаси бўлими Ж. Нурмухановнинг касби имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берса-да, 1998 йили иш ўрни аттестациядан ўтказилмаганини асос қилиб, унинг талабини рад этган. Бироқ ўрганиш жараёнида, 1998 йили иш ўрни корхона мансабдорларининг айби билан аттестациядан ўтказилмаганлиги, лекин 2003, 2008 ва 2013 йиллардаги аттестациялар Ж. Нурмухановнинг ишлаб келган касби ҳақиқатан оғир ва зарарли шароитдаги иш жойи эканлигини тасдиқлагани аниқланди. Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигида бундай касбда махсус иш стажи 12 йилу 6 ойни ташкил этган ходим имтиёзли пенсияга чиқишга ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган. Ж. Нурмуханов эса ўз иш ўрнида ўттиз йилдан ортиқ вақт хизмат қилган.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари ўртасидаги музокаралар натижа бермагач, ҳудудий қўмита Ж. Нурмухановнинг манфаатини кўзлаб Фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Натижада, суд даъвони тўла қаноатлантириб, пенсия жамғармаси бўлими зиммасига фуқарога имтиёзли пенсия тайинлаш мажбуриятини юклади.

Д. МАДЕНОВ,
Қўнғирот МТУ ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси

Қўллаб юборишди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кафолати ва таянчига, юртимиз тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим йўналиши бўлган ушбу соҳани ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда республикамиздаги банк-молия муассасаларининг ҳам муҳим ўрни бор, албатта.

Фаолиятимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, 2008 йилда Қўрғонтепа тумани ҳокимлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва исобга қўйиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтиб, сутни қайта ишлаб, аҳолига сут маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган «Ягона Шарқ Замини» хусусий корхонасини ташкил этдим.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўрғонтепа филиалига 3 йил муддатга 295 000,0 минг сўм миқдорида кредит маблағи ажратилишини сўраб мурожаат этдик ва қисқа муддат ичида банк томонидан сўраган маблағимизни олдик. Кредитдан самарали фойдаланган ҳолда, 8 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Шулардан 2 нафари коллеж битирувчиларидир.

Ҳозирда корхонамизда кунига 1 млн. сўмдан ортиқ савдо тушуми бўлмоқда. Корхонамизнинг молиявий ҳолати яхши. Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлардан мамнунмиз. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириб, туманимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

Ифтихор ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти Қўрғонтепа туман «Ягона Шарқ Замини» хусусий корхонаси раҳбари

Қонунлар ижросини таъминлаш, халқнинг тинчлик-осойишталигини ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Маълумки, ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш тизимининг ўзагини ёш ходимлар ташкил этади. Уларнинг Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан амалга ошириши, зиммаларидаги вазифани виждонан бажаришини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Руҳий барқарорлик масъулиятни оширади

Қўриқлаш хизматида кейинги йилларда амалга оширилаётган кўплаб ўзгаришлар, янгиликлар ўз самарасини бераётир. Кези келганда ходимларга берилаётган эътибор, уларнинг маънавий-руҳий аҳволини яхшилаш борасида қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Хусусан, 2010 йилдан бошлаб республика миқёсида қўриқлаш тизимидаги ходимларнинг маънавий-руҳий томондан барқарор бўлишини таъминлаш, хизмат жамоаларида соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида психологик хизмат йўлга қўйилди.

Шу даврдан бошлаб хизматга номзодларни танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш, раҳбарлар захирасини шакллантириш ишларида уларнинг маънавий-руҳий ҳолати, вазифаларни бажаришдаги руҳий тайёргарлигига эътибор кучайтирилди.

Бундан ташқари, психологлар хизмат жамоаларида руҳий муҳитни ўрганиш, уларнинг хизмат жараёнида олган кучли руҳий зўриқишларини енгиллаштириш, ходимларнинг психология фанига оид билимини ошириш борасида тегишли ишларни амалга оширишаётир.

Ходимларимизни руҳий томондан қўллаб-қувватлаш, турли зўриқтирувчи ҳолат ва вазиятлардан сўнг уларнинг хизматни тўлақонли давом эттиришига ёрдам бериш мақсадида республикада жойлашган барча бўлинмаларимизда «Руҳий енгиллик» марказлари ва хоналари ташкил этилган. Шунингдек, психологлар бугунги кунда қўриқлаш бўлинмалари ходимларининг энг ишончли ва яқин сирдошига айланган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон миқёсида тан олинган руҳий тестлар, психологик қонун-қоидалар қўриқлаш хизматида ҳам жорий этилмоқда. Бу эса ходимларни ўрганиш, уларнинг руҳий муаммоларини вақтида аниқлаб, бартараф этишда ижобий самара беряпти.

Хизматга татбиқ этилаётган психологик тартиб-қоидалар, тестлар, меъёрлар жаҳон миқёсида тан олинган олимлар, руҳшунослар томонидан ишлаб чиқилган. Лекин уларни кўр-кўрона ҳаётга татбиқ этиш ярамайди. Ҳар бир миллатнинг руҳиятида ўзига хос жиҳатлар бор ва руҳий ўрганишларни ўтказганда, психологик хулосалар берилаётганда уларни назардан қочириб бўлмайди.

Бундан ташқари, қўриқлаш хизматида хизматни ўташнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, у бошқа бирор касбда учрамайди.

Психологларимиз айнан шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, қўриқлаш хизмати ходимларининг руҳий ҳолатига баҳо беришнинг ўртача меъёрларини ишлаб чиқиш ва белгилаш борасида кўплаб ишларни амалга оширишди. Бу эса, бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Гўзал МАЛИКОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси ахлоқий-психологик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант

Буюрмаган «луқма»

Янгибозор тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари «Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖ туман бўлимида ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари вақтида тўланиши, иш ҳақидан қарздорлик масаласини ўрганиб, қатор камчиликларни аниқлади.

Маълум бўлишича, корхонада уста вазифасида ишлаб келган Атабек Атёзов мавқеидан фойдаланиб, 2011-2013 йиллар давомида ишламайдиган Қ.Ражабов ҳамда яқин қариндошлари М. Атёзов, Д. Атёзовларни қоровул штатига, шу корхонада олдин ҳайдовчи бўлиб ишлаган Улуғбек Ибрагимовни эса хорижга ишлаш учун кетган даврида ишлади, деб расмийлаштирган. Натижада, жами 11963,4 минг сўм ўзлаштирилган.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро А. Атёзовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра қонунда белгиланган тарзда жазо тайинланди.

Э. МАШАРИПОВ,
Департаментнинг Янгибозор туман бўлими бошлиғи

АРГЕНТИНА

Франциянинг йирик «Carrefour» супермаркетлар тизими Аргентинадаги мижозларидан ўз маҳсулоти қадоқ қоғозидаги ёзувлар учун узр сўради.

«КОКОИНЛИ ПИРОЖНИЙЛАР»

Қадоқ қоғозда ташкилотнинг пирожнийлари таркибида 12 грамм кокоин (наркотик модда) борлиги қайд этилган.

«Carrefour» мутасаддилари воқеани «ёмон ҳазил» деб аташди. Бундай ёзувлар ишчилардан бирининг айби билан тушиб қолганини таъкидлашмоқда. Компания, шунингдек, маҳсулотларда ҳеч қандай тақиқланган моддалар, жумладан, кокоин йўқлигини эътироф этяпти.

Бунга қадар, ижтимоий сайтларда Аргентинанинг қўшниси Уругвай марихуанна (наша)ни қонунийлаштириб, «демократия ривожланаётган» давлатлар рўйхатидан жой олгач, Аргентина раҳбарлари ундан-да илгарилаб кокоинни қонунийлаштиришга бел боғлабди, деган ҳазиллар билан тўлиб кетди.

«Carrefour» дунёда «Walmart»дан кейин турадиган энг йирик иккинчи савдо тармоғи ҳисобланади. Унинг 10 мингдан ортиқ дўконлари 34 мамлакатда фаолият олиб боради. Аргентинада «Carrefour»нинг 500 дан ортиқ супермаркетлари мавжуд.

МИСР

Пенсилвания университетининг бир гуруҳ археологлари Мисрда фиръавн Себекхотеп I мақбарасини топишга муваффақ бўлишди. Олимларнинг сўзларига қараганда, оғирлиги 60 тоннани ташкил қилувчи мақбара бир йил илгари топилган эди.

ФИРЪАВННИНГ ОЛТИНЛАРИ

Бироқ унинг қайси фиръавннинг сўнгги манзили эканлигига яқиндагина аниқлик киритилди. Олимлар мақбара деворларидаги ёзувларни синчиклаб ўрганиш жараёнида Себекхотеп I нинг исми ҳамда тахтда ўтирган суратини топишган.

Археологлар, шунингдек, мўмиёлашда ишлатиладиган идишлар ва олтиндан ясалган кўплаб буюмларга дуч келишган. Тахминларга кўра буюмлар фиръавнга тегишли бўлган.

Себекхотеп I Мисрда милоддан аввалги 1730 йилларда ҳукмронлик қилган. Ҳисобларга кўра, унинг подшоҳлиги тўрт йилдан сал кўпроқ вақт давом этган. Фиръавннинг ҳукмронлик вақти ҳақида маълумотлар кўп эмас.

Интернет хабарлари асосида У.ИБОДИНОВ тайёрлади

Нумизматика «ишқибози»

Ноёб ва маданий бойликларнинг республикамиздан олиб чиқилиши ёки ҳудудимизга олиб кирилиши миллий ва халқаро қонунчиликка асосан амалга оширилади. Амалдаги тартибларга кўра, эллик йил муқаддам ёки ундан олдин яратилган маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилишга йўл қўйилмайди. Агар уларнинг мамлакатимиздан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилиши зарурати бўлган тақдирда тегишли идора экспертлари хулосаси ва рухсати билан амалга оширилади. Шунга қарамай, ушбу бойликларни қиғир йўллар билан олиб чиқишга уринишлар учраб турибди. Яқинда «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан шундай ҳолатлардан бирининг олди олинди.



«Тошкент-Боку» йўналишида парвоз олдидан наманганлик М.Ибрагимованинг юклари назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, монитордаги тасвирларнинг шубҳали тус олиши божхоначиларни жомадон тутқичларини синчиклаб кузатишга ундади. Амалдаги тартибларга мувофиқ ва холислар иштирокида тутқичлар очиб кўрилганда, уларнинг орасига моҳирлик билан тилла тангалар жойлаштирилгани маълум бўлди.

Божхона баённомасида қайд этилмаган ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилинмаган ушбу 64 дона танга 19-асрда соф олтиндан зарб қилинган бўлиб, уларнинг оғирлиги 450 грамни, қиймати дастлабки маълумотларга кўра, салкам 50 млн. сўмни ташкил қилиши аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили божхоначилар томонидан 85 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиши натижасида салкам 2,5 минг дона ноёб тарихий ва маданий буюмларнинг олиб ўтилишига чек қўйилди.

Валюта ўғирлашга уринди



Амалдаги тартибга кўра, юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фуқаролар олиб кирган нақд валюталари миқдорига тенг валютани олиб чиқиб кетишлари мумкин. Бироқ хитойлик Р.Пей бу қоидага бўйсунмасликни маъқул кўрди.

Пекинга учиш олдидан у божхона баённомасида 500 АҚШ долларини олиб кетаётганлигини маълум қилган бўлса-да, юклари рентген назоратидан ўтказилганда, жомадонда 9600 доллар борлиги аниқланди.

Бу божхоначилар томонидан 2013 йил давомида 3,1 млрд. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилиши бўйича аниқланган 830 га яқин ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори

Реклама ва эълонлар

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ ва унинг вилоят филиаллари томонидан аукцион савдоларида сотилган автотраспорт воситалари бўйича маълумот

Наманган вилояти АСМ ходимлари касаба уюшмаси Учқўрғон тумани кенгашига қарашли 1997 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 50/293LAA автомашина, б/б 9424463 сўм, с/б 10300000 сўм, Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига қарашли, 2003 йилда и/ч, «Нексия», д/р 40/986LAA автомашина, б/б 8184000 сўм, с/б 23000000 сўм, «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ Пешкў туман филиалига қ-ли, 1997 йилда и/ч, «Тико» р-ли, д/р 80/631QAA автомашина б/б 1100000 сўм, с/б 1210000 сўм, Наманган вилояти АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашига қарашли, 1996 йилда и/ч, «Тико», д/р 50/754EAA автомашина, б/б 8051400 сўм, с/б 8803000 сўм, Наманган вилояти АСМ ходимлари касаба уюшмаси Чуст тумани кенгашига қарашли, 1998 йилда и/ч, «Тико», д/р 16AC921 автомашина, б/б 8413650 сўм, с/б 9197000 сўм, Намангани вилояти АСМ ходимлари касаба уюшмаси Поп тумани кенгашига қарашли 1998 йилда и/ч, «Тико», д/р 16AC006 автомашина, б/б 7211700 сўм, с/б 7885000 сўм.

Изоҳ: қарашли — қ-ли, бошланғич баҳо — б/б, сотилиш баҳо — с/б, ишлаб чиқарилган — и/ч. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, тел:(8595) 177-92-59, e-mail: info@auksion.uz. **Хизматлар лицензияланган.**

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 9-yanvar № 4 (3353)

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Рассом ва табиат» номли 28-анъанавий тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Унда таниқли ва ёш рассомларнинг ранг-баранг мавзу ҳамда жанрлардаги 260 та асари намойиш этилмоқда.

Гўзал манзаралар — рассомлар нигоҳида



Жаннатмонанд юртимиз кўрку тароватини, фасллар гўзаллигини ифодалашда мўйқалам усталари яратган тасвирий услублар, йўналишлар турли-туманлиги билан кишини ўзига мафтун қилади. Ж.Умарбековнинг «Қуёшли қор», «Чинор соясида», «Ташқарида қиш», М.Нуриддиновнинг «Тоғ суви», «Филон қишлоғи», «Ўчоқ бошида», Акмал Нурнинг «Эски тегирмон», «Қиш туни», «Сарчашма», «Ёнғоқ дарахти», С.Раҳметовнинг «Филонда чошгоҳ», «Ота уйи», А.Мирсоатовнинг «Қорли тоғ», «Тераклар» номли асарларида тасвир ва ранг уйғунлиги мукаммаллик касб этган...

Табиат ва рассомнинг ўзаро «мулоқоти, ҳамкорлиги» Ғ.Абдураҳмонов, З.Фахриддинов, З.Исломшиков, А.Жамолов, Я.Салпинкиди, М.Иргашев, Д.Йўлдошев, Р.Халилов, И.Валихўжаев, Н.Гилманова, В.Енин, Н.Орипова каби рассомлар ижодида яққол кўринади. Х.Мирзаҳмедов, Д.Мамедова, Х.Зиёхонов, Х.Султонов, Э.Бозоров, И.Отабоев, Д.Абдалов, А.Саидбердиев, Н.Холмирзаев яратган тасвирларга кўчган бўлиб, жозибаси билан томошабинларга эстетик завқ бағишламоқда...

Кўргазмадан акварел рангтасвирлари кенг ўрин олган. М.Содиқовнинг «Корея» туркумида яратилган «Кўлда», «Булутли кун», «Оқшом» асарлари, Ҳ.Содиқовнинг «Корея. Мопе манзараси. Чаик Чо қишлоғи», А.Абдуллаевнинг «Менинг маҳаллам» туркумидан «Бўрижар», М.Тошмуродовнинг «Филон» туркумида жамланган бир қанча асарлари шулар жумласидан. Ёш истеъдодли рассом Ҳ.Муродовнинг оний лаҳзаларни акс эттирувчи «Ёмғирдан сўнг» номли асари ҳам ўзига хос. Графикага оид ишлар орасида П.Ҳаитовнинг «Болалигим» туркумидаги қаламтасвирлар томошабин эътиборини беихтиёр ўзига тортади...

Биламизки, ўзбек тасвирий санъатида янгича ифода услублари «инсталяция» кўринишида намоён бўлмоқда. Шу маънода Х.Жалилов ва Ф.Аҳмадалиев ижодига мансуб «Сарчашма олмалари» асари мазмунан оригиналдир.

Кўргазмада кичик пластика, ҳайкалтарошлик асарларини ҳам кўриш мумкин. И.Нестерович «анималистик» мавзуда яратган «Буқача», «Булоқ» каби композициялар кулолчилик хом ашёсидан ясалганлиги ва мазмун-моҳияти, шакл-шамойили жиҳатидан диққатга сазовор...

Тадбирнинг тантанали очилиши маросимида санъат соҳасини ёритувчи журналистлар ҳамда рассомлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Йиғилганлар таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

Кўргазма 14 январга қадар давом этади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
рассом-педагог

Китобингизни ўқидим

Олисдаги шуъла — умид

Умид инсонни ёруғ манзиллар сари етаклайди. Чунки дилда бир илинж бўлмаса, орзуга етмоқ душвордир. Тун қўйнида шуълага интилган кимсадек юрақдаги эзгу тилакларга мудом талпинаверасиз.

Ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг навбатдаги «Тун қаъридаги шуъла» («Sharq» НМАК. Т. 2012 й.) китоби билан танишиб, шу фикрлар кўнгилдан кечди.

Тўпламдан ўн тўққиз ҳикоя ва бир қисса ўрин олган. Ҳикояларни ўқиганда, она-юртга, туғилиб ўсган маконга меҳр, садоқат каби улуғвор ҳисларни туясиз. Чунончи, кўнгилда кечадиган эврилишлар, синовга дош беролмаган туйғулар, сотқинлик, иғво ёхуд иккиюзламачилик каби тубанликлар ўта ишонарли тасвирланди. Жумладан, «Алдоқчи тунлар» ҳикоясида Нур қўрбоши тимсолида юрт озодлиги йўлида қўлига қурол олган жасур инсон гавдаланади. Қўрбоши иродали, бардошли инсон. Аммо унинг дийдираган кўнгли бор. Нуридийдаси бўлмиш ўғлидан кўрган оқибатсизлик бу алпкелбат инсонни яшашдан толдиради. «Бегимкул катта»да эса, аксинча, шамол эсган томонга қийшаядиган, ўз тинчи-ю, қорни учун ҳар кимга қуллуқ қиладиган кимсаларнинг характери очиб берилган.

«Куз эртаги», «Ялангоёк», «Қўноқ» каби асарларда ёзувчи орамиздаги содда, ишонувчан, кўнгли тоза, кўпам кўзга ташланавермайдиган одамларни тасвирлайди. Айниқса, «Кутилган кун»даги йигитнинг ночор, кўримсиз турмушида ҳам покиза орзулар борлиги, уни ўзидан бўлак ҳеч ким билмаслиги, энг ёмони, чиркин даврадошларини деб «мен ҳам бахтлиман-ку!» дея баралла айта олмаслиги кишини бундайлар ҳақида салбий фикр билдиришга ошиқмасликка ундайди. Яъни асарда уларга танбеҳ-у дашномлар эмас, балки биргина умид, том маънода туртки бериш билан яхшилар сафига қайтариш мумкин деган чорлов бор назаримда.

Эътибор қилинса, тўпламдаги асарларнинг аксарияти саргузаштларга бойлиги билан қизиқарли. «Тун қаъридаги шуъла» асари ҳам бир қараганда йўл кишисининг суҳбати, ҳолос. Бироқ биз боражак ҳаёт манзилларида кўзни олар чироқлар-у, милтиллаган шуълалар бисёр. Муҳими, уларга шунчаки кўз ташлаш эмас, эътибор қилиш лозим. Ҳар бирида дилга яқин ҳарорат, ёруғлик, демакки, эзгулик бор. Шу маънода ҳикоя сиз-у бизни покиза ниятли инсонлар нафақат яқинимизда, оиламизда, балки ҳар бир маконда борлигига ишонтиради.

Китобдаги айрим ҳикояларда эса беқарор ёшликнинг ранг-баранг кечмишлари, дўстлик, оқибат, мардлик тилга олинади. Асосийси, сохталик йўқлигидир. Барчаси қачондир сиз-у бизнинг ҳаётимизда рўй берган.

Наргиза АСАДОВА

Ирода

Талабаликнинг илк кунида ҳали яхши танишишга улгурмаган сабоқдошлар адабиётга ихлосмандлигимиздан «Баҳр-у байт» бошлаб юбордик. Шу пайт охирги ўринлардан шеър янграб, беихтиёр ҳамма ўгирилиб қаради. Овози ниҳоятда ёқимли, худди сухандон қизларникидай. Шеър мисраларида «ҳаёт кўзи», «кўнглим кўзи», «умид кўзим» бирикмалари бот-бот учраётган бу шоира қизнинг кўзлари ожиз эканлигини кўрдик...

«Садоқатнинг оппоқ йўллари...»

Дилдора жуда хушмуомала, одамлар билан тез чиқишади. Қолаверса, у инсоннинг чинакам иродаси, қатъий, тиришқоқлиги билим олиш асноси яққол кўзга ташланди. Талабалик даврида олд ўриндиқда ўтирган кўйи ўзининг Брайл ёзувида «тиқ-тиқ» этиб илм қоралади. Тенгдош талабалардан сира ортда қолгиси, қисматини рўкач қилгиси келмас, бошқаларга тинимсиз меҳнатлари билан намуна бўларди. Ҳатто, немис тилидан сабоқ олиб, сўзлашиш даражасига етди. Компютерда махсус дастурларда ишлашни ўзлаштирди ва ўқиш давомида ёзма топшириқларни, шеърий машқларини ўзи электронлаштирди.

Бугунги кунда у Самарқанд давлат университети магистранти. Дилдора аъло ўқиши сабаб Миллий университет стипендияси соҳибаси бўлган. Ижодий ишларини «Кипригимда титраган шабнам», «Қаҳратонда гуллаган юрак» номли шеърий тўпламларига жамлашга улгурган.

Доим кулиб юрадиган Дилдора ўзининг таваллуди Халқаро ногиронлар куни санаси билан бир хиллигини айтиб ҳам қўяр эди. Мақолани ёзар эканман, қатъий иродаси билан биз, курсдошларига ўрнак бўлган дугонам хаёлимга келди.

Армонлардан
шимарганча енг,
Бошим силар умид
қўллари.
Уйғотади ҳар дилда баҳор
Садоқатнинг оппоқ
йўллари...

Ҳа, Дилдора ёзганидек, яшашга бўлган иштиёқ туфайли умр йўлларимиз оппоқ бўлаверади.

Озода САРАФРОЗ

Мактабнинг янги биноси

Наманган вилояти Поп туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси Янги йилни янги бинода кутиб олди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган мактабда 150 ўқувчи таълим олади. Машғулот хоналарида фортепяно, торли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, эстрада чолғу ижрочилиги, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик бўйича сабоқ олаётган ўқувчилар яратилган шарт-шароитлардан беҳад мамнун.

Суратларда: *Поп туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби; Поп туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Ситора Нуриддинова.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)
олган суратлар

Саломатлик сабоқлари

Бугунги кунда дунё аҳолиси ўртасида қандли диабет билан оғриган беморлар сони ортиб бормоқда. Бунга ҳаётда юз бераётган кескин ўзгаришлар, овқатланиш меъёрининг бузилиши ва организмнинг турли касалликларга қарши иммунитети сусайиши сабаб деб қараш мумкин. Шу билан биргаликда, касалликнинг келиб чиқишига беморнинг ёши, фаолияти тури, яшаётган ҳудуди, вазнининг меъёридан ортиқ бўлиши ва шунга ўхшаш бошқа турли омиллар ҳам таъсир қилади. Қандли диабетга чалинганлар орасида корхона раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар ва ҳатто спортчиларни ҳам учратиш мумкин.

Ўзингизни асранг

Қандли диабет — инсулин гормонининг умуман ёки қисман етишмаслиги сабабли инсон организмида модда алмашинувининг бузилишидир. Инсулин бўлса ошқозон ости бетта ҳужайраларида ишлаб чиқарилади. Шу сабабдан ҳам ошқозон ости бези модда алмашинувини бошқариб туришда катта рол ўйнайди. Инсон организми инсулин ишлаб чиқармас экан, қондаги қанд миқдори ошиб кетади, натижада, қандли диабет касаллиги келиб чиқади. Қондаги қанд миқдорининг меъёрий кўрсаткичи соғлом одамларда эрталаб — 3,5 дан 5,5 гача, овқатлангандан кейин — 3,3 дан 7,0 ммол/л гача бўлади.

Қандли диабет бир умрлик касалликдир. Агар беморнинг қонидаги қанд миқдори узоқ вақт меъёридан юқори бўлса, касаллик асоратлари пайдо бўла бошлайди. Кўпчилик ҳолларда бемор қон томирлари зарарланади, иш қобилиятини йўқотиб, ногиронга айланади ва умри қисқаради.

1-тип қандли диабет касаллиги асосан болалар ва ўсмирларда (1 ёшдан 30 ёшгача) учрайди. У одатда ўткир вирусли инфекцион касалликлардан кейин, ОРВИ, қизамиқ, эпид, паратит касалликларига чалинганда ва қаттиқ қўрқув каби ҳолатлардан кейин бошланади.

Касалликнинг асосий белгилари: оғиз қуриши, чанқаш, кўп миқдорда пешоб ажратиш, озиб кетиш, дармонсизлик. Ташхис қўйгунга қадар бемор 5 дан 15 кг.гача вазнини йўқотиши, суткасига 5-7 литр суюқлик ичиши, шунча миқдорда пешоб ажратиши мумкин.

2-тип қандли диабет билан асосан 40 ёшдан ошган одамлар оғрийдилар. Бундай касалликка Европа давлатларида «ҳаёт тарзининг нотўғри натижасидир» деб қараш бор. Бундай беморлар кўп вақтгача ўзининг хаста эканлигини билмайди. Семизлик, юрак қон томир ишемик касалликлари, кам ҳаракатчанлик, ҳомиладорлик аномалиялари, сурункали ошқозоничак касалликлари, қаттиқ асаб стресси, жароҳат олиш қандли диабет сабабчилари саналади. Парҳезга риоя қилиш, бадантарбия, қондаги қанд миқдорини камайтирувчи таблеткалар истеъмол қилиш тавсия этилади. Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби 3 гуруҳга бўлинади: оқсиллар, ёғлар ва углеводлар. Шу билан бирга маҳсулотлар таркибида витаминлар, минерал тузлар ва сув мавжуд. Инсон организмида углевод ва ёғлар — энергия манбаи бўлса, оқсиллар — «қурилиш материали» ҳисобланади. Фақат углеводлар қабул қилингандагина тўғридан-тўғри қонда қанд миқдори кўтарилади.

Қандли диабет билан оғриганлар диспансерда маълум даволаш курсларини ўтаганларидан кейин, амбулатория шароитида шифокор назоратида бўлишлари лозим. Қандли диабет ўз-ўзини назорат қилишни талаб этади. Саккиз йилдирки, бу вилоят эндокринология диспансерида қандли диабет билан оғриган беморлар учун «Ўзини-ўзи назорат қилиш» мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мактабда диспансернинг малакали шифокорлари доимий равишда касаллик келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш чоралари борасида, дунёда касалликка қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни тушунтириб бормоқдалар. Агар беморлар тавсияларга риоя қилган ҳолда шифокор маслаҳатидан фойдаланса, улар касаллик келтириб чиқарадиган асоратларнинг олдини олдим, дейишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, умрларининг узайиши ва кундалик ҳаётларининг мазмунли ўтишига ёрдам беради.

Роҳат РАҲИМОВА,
олий тоифали шифокор

Спорт

Ёзёвон туманидаги 14-умумтаълим мактабида ёшларни спортга жалб этишга катта эътибор берилмоқда.

Ёзёвонлик чемпионлар

— Асосий эътиборни ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратганмиз, — дейди мактаб директори Турдиали Тўрақулов. — 637 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабимизда футбол, стол тенниси, волейбол, белбоғли кураш, қўл тўпи ва ўзбек жанг санъати бўйича тўгараклар фаолият олиб боряпти. Машғулотларда 190 нафар ёш мунтазам шуғулланиб келмоқда. Эътиборлиси, мактаб ўқувчилари турли мусобақаларда туман ва вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти. 2012-2013 йилларда уч нафар ўқувчи ўзбек жанг санъати, Мустафо Райимов ва Муҳаммадолим Усмонов белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди. 6-синф ўқувчиси Ҳайитали Раҳмоналиев ҳам бир неча мусобақа ва турнирлар ғолибидир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 118 | 21477 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5